

Ҳоким ёрдамчиларига планшетлар топширилди



Термиз туманиндағи 29 та маҳаллада фаолият юритаётган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман ҳокимининг ёрдамчиларига иш фаолиятида фойдаланиш учун маҳсус имкониятларга эга планшетлар топширилди.

Плашетлар туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Акмал Бўриев ҳамда Республикадан туманга бириктирилган вакил Шерали Шоимқулов томонидан топширилди.

Ҳоким ёрдамчилари маҳсус планшетлардан масалаларни “маҳаллабай” тизим асосида ҳал этиш, тезкор маълумотлар олиш, ишсизлар рўйхатини шакллантириш ва бошқа кўплаб мақсадларда фойдаланиши мумкин.